

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д.Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбекимнинг Фарғона водийси жараёнларидағи тасвири..	167
М.Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва кўкбўзот юлдузлари.....	170
З.Рахимов, Д.Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М.Ғаниев	
Ўзбек насрода тарихий роман генезиси ва ривожи.....	176
М.Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р.Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И.Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д.Тўраева	
Бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н.Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадий хусусиятлари	200
Н.Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х.Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М.Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш.Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г.Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л.Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н.Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У.Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З.Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З.Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х.Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
<hr/>	
ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ	
Адабиётимиз фидойиси	241

намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвири” [7,52]. Г.А.Абрамовичнинг таъбирича характер, қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуидир.

Дарҳақиқат, этикдўз образининг индивидуаллигини, унинг атрофидаги инсонларга нисбатан, ҳатто борлик, бутун яратикларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга эканлигини кузатамиз. “Узун бўйли, соchlари елкасига тушган” этикдўз у ҳақида яратилган пъесада иштирок этади ва уни маломат қилган халққа қаратা жўшиб сўзлайди:

“... Сиз Тангримнинг ўзи яратган барча неъматларига яна бир чалғитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрмаяпсизми? Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бираға чирмаштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадиятдан-да юксак эканинию, ҳатто мангулик ҳам унинг маҳлуки эканини кўрмаяпсизми? ...Тангрим ўзининг мутлақ адолати билан кимларнидир бутун инсониятга яхшилик ва тўғрилик рамзи қилиб қўйган бўлса, мен Олий Ҳақиқатга қўл кўтаргандарнинг рамзиман” [5,67].

Пъеса муаллифи, астролог Гвидо Бонатти қаҳрамоннинг бу сўзларини эшитиб ҳайратда қолади. Чунки ушбу монолог пъеса матнида йўқ эди. Бонатти бу ҳақиқий этикдўз эканлигини англайди, бироқ боёнлар, уни олқишаётган томошибинлар олдида буни тан олгиси келмайди, шу вақт унинг ақли ҳам саҳна чироги каби ўчади ва у мастилик зулматига тамомила шўнғиб кетади. Яъни,

уни этикдўзнинг оташин ва пурмаъно нутқи сархуш қилади. Қачонлардир инсониятнинг тавқи лаънатига учраган, қисматнинг ҳам энг мудҳиш жазосига дучор бўлган этикдўз, энди ҳатто зиёлиларнинг ҳам ақлини шошириб қўйган, барчани ҳайратга соглан, тафаккури кенг, иродаси мустаҳкам шахсга айланди. Бироқ бу каби сифатлар ҳам этикдўзнинг тавқи лаънатдан мосуво бўлишига ёрдам бермайди. Ҳаттоти, ер юзини, уммонлару саҳроларни қўпориб юборган, бирор тирик жонни омон қолдирмаган илоҳий бўрон ҳам уни йўқ қила олмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи учун бош қаҳрамон сифатида танлаб олинган этикдўз образи, нафақат, ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти ихлосмандлари учун ҳам таниш образдир. “Асарнинг бадиий ғоясида этикдўз том маънода бутун инсониятнинг рамзи саналади” [7]. Бутун инсоният учун тааллуқли бўлган маънавият, руҳий баркамоллик ва эстетик Идеални қидираётган, камолот манзиллари сари қадам ташлаётган образнинг ёрқин намоёндасидир. Шу билан бир қаторда, қаҳрамоннинг ўзига хос характери ва асардаги бошқа персонажлар билан ўзаро алоқаси муаллиф томонидан психологик ва фалсафий тарзда моҳирона тасвирланган. Бу эса ўз навбатида, нафақат, бадиий асар қимматининг, балки китобхонлар савиясининг ҳам бир даражада юқорилашига туртки бўлади.

Адабиётлар:

- Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т.: 2004.
- Қозоқбой Йўлдош. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги. (2010 йил романлари мисолида) // Шарқ юлдузи. №3, 2013.
- Расулов А. Мангулик суви. Исажон Султон насли бадиияти. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2017.
- Тўраев Д. Фалсафий-саргузашт роман. Исажон Султон насли бадиияти. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2017.
- Исажон Султон. Боқий дарбадар. – Т.: O'zbekiston, 2011.
- Куронов С. Исажон Султоннинг икки романи ҳақида. www. kh-davron.uz.
- Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).

УДК: 8-1-9+687.01

БАДИЙ ИЖОДДА ОНГЛИ ВА ИНТУИТИВ ҲОЛАТЛАР**СОЗНАТЕЛЬНЫЕ И ИНТУИТИВНЫЕ СОСТОЯНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТВОРЧЕСТВЕ****CONSCIOUS AND INTUITIVE POSITIONS IN ARTISTIC CREATIVITY****Д.Тўраева¹****¹ Д.Тўраева**

— Гулистан давлат университети филология факультети, адабиётшунослик кафедраси, филология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада ёзувчи ижодий лабораториясида ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёнида ижодкор кўнглидаги гоявий-бадиий ният турфа хил шаклланиб, асар ёзилиши давомида турлича ўзгариши мумкинлиги имтий манбаларга суюнган ҳолда таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье, на основе научных источников, автор анализирует тот факт, что истина жизни в творческой лаборатории в процессе преобразования в художественную реальность, идеально-художественное намерение в творческой душе формируется по-разному и может изменяться различно в процессе написания произведения.

Annotation

In this article, the author analyzes the fact that the truth of life in the creative laboratory in the process of becoming an artistic reality, the ideological and artistic intention in the creative soul is formed in different ways and can change in different ways in the process of writing the work, based on scientific sources.

Таянч сўз ва иборалар: миллий наср, эстетик идеал, образ, психологизм, тарихий ҳақиқат, бадиий услугуб, тарихий шахс, бадиий-эстетик принцип, персонаж, роман, гоявий эстетик жараён.

Ключевые слова и выражения: национальная проза, эстетический идеал, образ, психологизм, историческая правда, художественный стиль, историческое лицо, художественно-эстетический принцип, персонаж, роман, идеально-эстетический процесс.

Keywords and expressions: national prose, aesthetic ideal, images, psychologism, the facts of history, artistic style, historical person, artistic and aesthetic principles, character, novel, ideological aesthetic process.

Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёнида ёзувчи кўнглидаги гоявий-бадиий ният турфа хил шаклланиб, асар ёзилиши давомида турлича ўзгариши мумкин. Чунки бадиий ижод жараёнининг табиатига кўра илк ижодий режа ёзувчи истаги ёхуд бадиий талқин тақозосига кўра, ўз ўзанида кечади, қаҳрамонлар ўз ҳаёти билан яшайди. Яратадиган образга мос индивидуал хусусиятларни топа билиш ижодий жараёнда ҳар бир ёзувчидаги ўзига хос тарзда намоён бўлади. «Ижодкор маълум бир асарни ёзишга киришмасдан олдин унга материал тўплайди, керакли сюжет, композиция, конфликт ва ҳоказоларни топгунча узоқ вақт ўйланади ва изланади. Фақат бу жараён асар ёзилиши билан тўхтамайди, балки янги-янги шаклларда давом этади, хатто кучайиб ҳам боради. Чунки асар яратила бошлагандан

кеин аввал ўйланган кўп нарсалар унга тўғри келмай қолади. Илк режа кун сайин янги тафсилотлар билан бойиб, ўзгариб боради. Аввал умумий тарзда ўйланган эпизодлар, характерлар тасвири учун ҳаққоний деталлар керак бўлади»[1.103]. Ёзувчи ижодий лабораториясида дастлабки илк режанинг ўзгариши асар бадииятига салбий таъсир этмайди, аксинча, ёзувчи уни янада тўлдиради ва бойитади. Ёзувчи кўнглида туғилган илк режа ижроси давомида янада пишади, гарчи моҳият ўзгарса-да, бадиий гоя унга асос вазифасини ўташи тайин. Ижодий жараёндаги бу ўзига хосликнинг қай тариқа амалга ошишини Миркарим Осим ва Асад Дилмурод ижодий лабораториясида оид хусусиятлар асосида тасдиқлашга ҳаракат қиласиз. Бу адиллар ижодида дастлабки режанинг ўзгариши билан боғлиқ маълумотларнинг

ИЛМИЙ АХБОРОТ

келтирилиши фикримиз қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Миркарим Осим ижодий лабораториясига эътибор берадиган бўлсак, унинг Жаҳон отин Увайсий ҳақидаги «Кўнгил меҳроби» номли тарихий асарида шоира қаламига мансуб ижод намуналарининг туғилиши билан боғлиқ лавҳалар келтирилиши асар бадииятини янада ошириш, ишончлилигини таъминлашга хизмат қилган. Асарда шоира шахсияти билан боғлиқ равишда унинг ижод йўли ҳам ёритиб берилган. Айниқса, Увайсийнинг мураккаб ҳаёт йўли билан биргаликда, унинг оддий ўзбек аёли сифатидаги бадиий талқини эътиборлидир. Тарихдан маълумки, Увайсий Кўқон хони Амир Умархон ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. У хон рафиқаси шоира Моҳлар ойим билан ижодий ҳамкорлик қилган. Бу – тарихий ҳақиқат. Асарда Моҳлар ойим Увайсийни интиқиб кутгани ва ниҳоят шоира дийдорига етишган ҳолати орқали бу иккала ижодкор аёл ўртасида қалин ришталар борлиги ёрқин акс эттирилади. Адиб асарда шоира образини ўзига хос тарзда бадиийлаштиради, Увайсий характерида шижоат, сабр-бардош, қатъият, саховат ва самимият бўртиб туради. Асар бошидаёқ Увайсийнинг шижоат билан саройга, сўнgra хон ҳузурига кириб келишида унинг ўзига ишонган инсон эканлиги англашилиб туради. Гарчи Фазлий сингари шоирларнинг фикрича, аёл ижодкорларнинг ўрни хон уюштирган мушоира даврасига тўғри келмаса-да, Умархоннинг ўзи шоирани ҳузурига чорлаши даврадаги Хижлат, Ҳайрат, Хислат, Нусрат, Музмар, Мушриф каби ўз даврининг машҳур шоирларини ҳайратда қолдиради. Увайсий Кўқон хонининг эътиборига лойик бўлиши билан боғлиқ бу тасвир орқали адаб шоира ижодининг ўз даврида нақадар юксак ва қадрли эканлигини далиллайди. Ёзувчи Умархон образини ҳам санъатни, ижодни қадрлайдиган инсон сифатида бадиийлаштиради. Демак, Умархон ўз даврида ижодкорларни кўллаб-куватлагани, шу билан бирга ўзи ҳам ўша ижод ва илм аҳларидан бири экани давр руҳига мос тарзда ёрқин кўрсатилган. Жаҳон Отин характеристери орқали «Кўнгил меҳроби»да инсон қалби нақадар мўътабар эканлиги очиб берилган. Шоиранинг ўз ташабbusи билан Моҳлар ойимга аруз илмидан сабоқ бериш

ниятида саройга келиши, бу ерда Фазлий сингари нобоп инсонларнинг бева аёлга ёмон кўз билан қараши, унга келган совчилар шоира қалбига қайта туз сепиши – буларнинг барчаси Увайсий қалбини ларзага келтиради. У оддий инсон, етим қолган фарзандларига меҳрибон она сифатида ҳаёт кечириши истайди. Ва ўзи танлаган мана шу йўлдан оғишмайди. Асарда қаҳрамон қалбидаги бу ҳислар орқали унинг индивидуал характеристери гавдалантирилади. Қизи Қуёшибибининг бевақт ўлеми, Қошғарда қолиб кетган ўғли Муҳаммадхонинг аччиқ тақдирни уни чексиз қайғуга солади. Шоира руҳий ҳолатининг ёрқин ифодаси акс этган бундай лавҳалар асар бадииятини оширишга хизмат қилади. Ёзувчи асарда «Анор» чистони ва «Софиндим» ғазалининг яратилиши билан боғлиқ лавҳаларни шоира қалбидаги ўша түғёнлар ҳосиласи сифатида талқин қилади. Увайсий учун аёллар қадру қиммати ҳар доим асосий ўринда бўлиб, бу масалага алоҳида эътибор қаратгани асарда табиий лавҳалар орқали акс эттирилади. Сарой ҳарамхонасидан ҳовлига қараб турган Увайсий Умархоннинг келишган, чиройли канизагига «ўзгача» нигоҳ билан қарашига ғаши келади. Нариги томонда бу ҳолатни кўриб турган хоннинг аҳлу аёли Моҳлар ойимнинг юзидаги андухни кўриб унга ичичидан ачинади. Шу маҳал сув ичиш ниятида токчадаги чойнакка қўл чўзганида, беихтиёр, кўзи у ерда турган анорга тушади. Бу ҳолатдан қаттиқ таъсирланган шоира Моҳлар ойимга бағишлиб қалб қўридаги аламларини қоғозга тўкиб солади. «Анор» чистонининг яратилиши билан боғлиқ бу бадиий топилманинг ўз ўрнида ишлатилиши асар моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Асарнинг «Фарзанд доғи» номли охирги бўлимими ҳам шоиранинг руҳий ҳолати акс этган лавҳалар ташкил қилади. Умархон вафотидан сўнг унинг ўғли Маъдалихон Қошғарни забт этиш учун отланганида ўғли Муҳаммадхонни ҳам олиб кетади. Бу ҳолатни Увайсий ўзининг саройга яқин бўлиши оқибати эканлиги билан боғлаб, қаттиқ қайғуга ботади. Қизидан ёдгор – тўрт яшар Ҳадича билан қолган шоирани ҳар куни фарзанд доғи бир куйдирса, ўғлининг хатарли ҳаёти янада ташвишга солади. Бундай қаттиқ руҳий зарбалар шоира ижодида ўз аксини топади. Ўғли Муҳаммадхонга бағишлиб ёзилган «Буқун эй

дўстлар, фарзанди жонимни соғиндим» радифли ғазалининг туғилишини адиб мана шундай табиий лавҳалар орқали баён этади: «Етти байтдан иборат ғазалини ёзиб бўлганидан кейин юраги бўшаб, енгил тортгандек, ғам-ғуссаси сиёҳ билан бирга эриб оқ қоғозга тушгандек бўлди»[2.298]. Шоира қалбидаги ҳисларнинг қоғозга тўкилиши асарда образ шахсияти билан боғлиқ тарзда ёрқин намоён бўлади. Шу ўринда «Анор» чистони ва «Соғиндим» радифли ғазалининг Увайсий қаламига мансублигини тарихий ҳақиқат деб билсак, унинг туғилиши билан боғлиқ жараённи Миркарим Осим ижодий лабораторияси маҳсули сифатида қарашимиз ўринлидир.

Ёзувчи кўнглида бадий асар ёзиш иштиёқи бошлангандан, то унинг ниҳоясига етганига қадар бўлган даврда режа ижроси ўз ҳолича сақланиб қолмаслиги мумкин. Асад Дилмурод асарларида илк ижодий режанинг якунга қадар қанчалик ўзгариб, такомиллашиб боргани ёки бунинг акси бўлган ҳолатлар хусусида адибнинг қуидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Малакали ёзувчилар ҳар бир асари фабулласини олдиндан белгилаб олишади. Мен ҳам бу тажрибани зарурат ҳисоблаб, асосан, тасаввуримда ижодий режа тузаман. Эстетик концепция, композиция, тугун ва ечимни хаёлан шакллантираман. Кўзлаган мақсадим якунга қадар доим ўз ҳолича қолган десам тўғри, бўлмайди. Негаки, тасвирда юзага келган мантиқий ҳолат мақсадни ўзгартиришга мажбурлаб, сюжетни бошқа ўзанга буриб юборгани, олдимга кутилмаган натижка ва тўхтамларни кўндаланг қилганини кўп кузатганман. Ушбу фикрим деярли барча асарларимга тегишли»[3]. Ижодкорнинг назарига тушган ҳодиса дастлаб, ҳаётнинг ўзида кузатилади. Сўз санъаткори ҳаёт воқелигини кўриб, уни ҳис қила олса, бу жараён ёзувчи ижодий лабораториясида бадийлик сари йўналади. Ёзувчи Самарқанд заминида туғилиб ўсгани, ёшлигидан муҳташам биноларни кўриб улғайгани, уларнинг сирли тафтини дилдан туйгани адиб ижодий лабораторияси учун мустаҳкам асос бўлганлигига шубҳа йўқ.

Асад Дилмурод «Шердор» қиссаси якунида ижодий режага биноан, Ялангтўшибий баҳодир Шердор мадрасаси пештоқига жонлиқлар суратини тасвирлагани учун Муҳаммад Авазни қатл

этиши кўзланган эди. Аммо ёзувчи ижодий изланишлар давомида ҳукмдор меъмор йигит ҳаётини сақлаб қолади. Бу ечим асар бадий қийматини оширишга ҳизмат қиласи. Муаллифининг изоҳларидан кўринадики, ижодий жараён чоғида асар дастлабки режасининг ўзгариши қисса бадииятига салбий таъсир этмайди. Ёзувчи фантазияси асосида у янги фикрлар асосида янада бойитилади. Асар ечимидағи ўйланган салбий ниҳоя бадий мантиқ тақозосига кўра, ижобий якунга айлантирилганлиги халқнинг ўтмиш ҳаёти фақат фожеалардан иборат бўлмай, балки ҳунармандлар меҳнати муносиб баҳоланганини ҳам тасдиқлайди. Қиссадаги барча тасвиirlар табиийлигига адиб синчковлиги ва илмининг маҳсули сифатида қарасак, бадий тўқима билан боғлиқ илк ижодий режанинг ўзгариши бадий-эстетик талқин тақозосига биноан юзага чиққанлиги ойдинлашади. Асарда Самарқанд заминидаги қадимий обидалар ўтмишини яхши билган ёзувчи ижодий жараён давомида кўзлаган ниятининг амалга ошишида тарихий ҳақиқатга суннади. Ёзувчи Муҳаммад Авазнинг Моҳбонуга бўлган муҳаббатига санъатни асос қилиб оларкан, иккаласининг муносабатларига қизнинг қилган ҳадясидан муҳим бадий деталь сифатида фойдаланади. Ёзувчи Муҳаммад Авазнинг асар сўнгida қалтис вазиятга тушишига ҳам, ўз ақлу заковати ва ҳалол меҳнати туфайли тирик қолишига ҳам Моҳбону образини восита қилиб олади. У қиздаги жасорат орқали Муҳаммад Аваз тақдирни аянчли тугамаслигига замин ҳозирлайди. Бундай тасвир асарда жумбоқ асосига қурилади. Қизнинг йигитга совғаси офтоб, шер ва оҳу қиёфаси туширилган палак эди. Худди шу тасвир асар сюжет чизигидаги тугунни ташкил қиласи. Мутаносиб уйғунлик касб этган бу мажозийлик тагида қандай маъно борлигини ечишга бутун вужуди билан киришган йигитнинг руҳий ҳолати ҳам кўнглидаги соғ муҳаббат билан қоришиб кетади. «Муҳаммад Аваз бир сўз айтишга оқиз, музлаган каби тили айланмас, ҳайратини яширолмай орзиқар, гоҳо нимадир бўғзини чўғдай куйдирап эди. Қил қалам билан бўёқлар шу қадар кудратли бўлиши мумкинлигини, қаҳр ила шафқат аталмиш бир-биридан бениҳоя олис туйғуни қай йўсунда шу қадар аниқ ифодалай

олганлигини ақлига сиғдиролмас эди»[4,149]. Мұхаммад Аваз бу суратни Моҳбону ижодхонасида иккинчи бор күраркан, унинг жозибасига мафтун бұлади. Бу сеҳр күчи унга шундай бир буюк жасорат бағишлайдыки, бунинг натижасида, у «мангуликка дахлдор әзгалик кошонасига мұхаббат рамзини жойлади»[5,30]. Адіб Мұхаммад Авазнинг буюк мөймөрлик құдратини шу тарзда йұналтиришга муваффақ бұлади. Бу жараённи амалға оширишни асар тұгунидан бошлаб ечимиға қадар изчиллік билан талқын этади. Бунга Моҳбону томонидан тақдим қилингандықтан – бадий детали, ундаги тасвирилар сирини ечишга қаратылған ҳаракаттар жараёнидаги кучли рухий изтироблар асос бўлади. «Шер билан охунинг тирилиши, мөймөрнинг жонини подшодан сұраб олиш фикри мазкур обиданинг тарихи билан қизиққан пайтимда миямга ўрнашиб олганди. Шуни айтишим керакки, асаддаги салобатли обида пешонасидаги сурат билан боғлиқ тасвир бу – бадий топилма... Асар ечимиға келсак, унинг тубдан ўзгариб кетиши, тұғрисини айтсам, ўзимни ҳам завқлантирган»[6]. Күринадықи, ижодий жараёнда асар ечимиға хос сирлилық, уни фожия билан эмас, адолатли қарор топиши ёзувчининг ўзини ҳам қониқтиради. Мұхаммад Аваз томонидан маҳобатли обида пештоқига туширилған суратнинг тақдим этилиш пайтидаги ҳолатни ёзувчи драматизмға бойлавхаларда тақдим этади. Асарда уста мөймөрнинг сирли тасвир акс этган палакни құлиға олиб, ундан ҳайратланиш жараёни асар тұгунини ташкил этса, бу суратни иккинчи бора Моҳбону суратхонасида күриши ва уни маҳобатли «Шердор» мадрасаси пештоқига муҳрлаши асар кульминациясини ташкил қиласы. Мұхаммад Аваздаги жасорат ҳұммдор Баҳодир Ялангтүшбій бошқа манзара тарх қилишини буюрганига қарамай, офтоб, шер ва оху қиёфаси туширилған суратни мадраса пештоқига битишга күч бағишлайды. Ёзувчи ундаги бу жасоратни образ кечинмаларига сингдириб юборади. Бош вазир Бобохұја Мұслим пештоқдаги бу суратни аслидан бошқача талқын қилиши асар драматизмини янада күчайтиради:

– Маъноси булдир: ул нодону ноқобил мазлумларни охуга, сиз каби дасты узун ҳұммдорларни шерга мензаган, яъниким, улус шер чангалида жон таслим қиласынан оху демек бўладир.

– Ё алхазар! – Ялангтүш қорачикларida Мұхаммад Авазга таниш

хатто тошни ёргудек қаҳр чақмоғи ялт ёнди. – Бул чинми, мөймөр жаноблари? [7,.304].

Ёзувчи бу тасвирида Баҳодир Ялангтүшбийнинг қаҳрга тұлған ҳолатини акс эттириши билан бирга, Мұхаммад Авазнинг вазминлиги ва ўз ўрнида жасоратини ҳам намоён қиласы. Асар ечимида унинг юртдан бадарға қилиниши тасвирида образ тақдирине янада асосли ифода топади. Мұхаммад Аваз илм-маърифатли, моҳир уста. Унинг шоҳ қаҳру ғазабига дош бериши, зукколик ва вазминлик билан саволига жавоб қайтариши асарда образ характерига мос тарзда тасвирланади. Ёзувчи бундай ҳолатда Мұхаммад Авазнинг қалтис вазиятда ўзини мардана тутиши орқали қаҳрга тұлған Ялангтүш характерини очиб берувчи тасвири кучли драматизм билан бойитади. «Залварли янграган сұзларни безовтахол тинглаб, күкси оғир қалқан Ялангтүш чурқ этолмай қолди, аста-секин баданини совуқ тер босди-да, исфаҳоний ханжар дастидан ажралмайдын забардаст күли ожизона титраб кетди. Теварагида мавжуд жамики нарса күзига бадбин ва хунук бўлиб кўринди, агар ҳозир Аршу аълодан ваҳий келиб, пештоқ қулаг тушса, етти қават ер тагига кириб ғойиб бўлса, енгил нафас олар эди. Дасти юлдузга етган тақдирда ҳам бу истаги мустажоб бўлмайди. Сеҳри, жозибаси ва құдрати билан нигоҳларини қамаштирган Шердор аллақачон бекатсиз олис сафарга отланған эди»[8.149]. Асарга Моҳбонунинг мадраса пештоқидаги тасвир сирини очиши билан боғлиқ тасвир ўзгача рух олиб киради. Мана шу ўринда ёзувчининг ижодий нияти қайдаражада асада ўз аксини топғанлиги күринади. Маликанинг тасвирга изоҳ бериши майдонда йиғилғанларда Бобохұја Мұслим пайдо қилған чигал вазиятни ўзgartыриб юборади. Яъни, пештоқда икки фалак буржы тимсоллар орқали ифодаланғани, икки бурчагини әгаллаган шамс – қуёш йилига ишора эканлиғи Моҳбону томонидан күйидагича талқын қилинади: «Сизга яхши аёнким, ҳазратим, қуёш йил бўйи ўз чизигида жойлашган ўн икки юлдузлар туркумини – ўн икки буржини босиб ўтадур. Илму нужум соҳиблари йиллар баробарида фалак буржларини ҳам ҳайвонларга мензаганлар. Ана шунга биноан, бешинчи ой асад, яъни шер, ўнинчи ой жадий, яъни тоғ әчкиси, ёки кийик қиёфасида тасаввур қилинадур. Муаззам пештоққа шулар кошинкорий бўлибдирки, бу фақат таҳсинга лойик!...»[9,307]. Моҳбонунинг суратни шу тариқа талқын қилиши, нафақат ҳұммдорни,